

## Юрт мудофааси – фуқаролик бурчимиз

2018 йилнинг 15 январь куни 4-сонли талабалар турар жойида “Гидромелиорация” факультети талабаларига Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳарбий кафедраси 14 январь “Ватан ҳимоячилари куни” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг 26 йиллиги муносабати билан институт ҳарбий кафедраси мудирини подполковник Минлишев Рафик Зильевич, подполковник Тагаев Вадим Исмаилович ҳарбий кафедрада кўп йиллар самарали меҳнат қилиб келаётган ҳамда нафақадаги ўқитувчи-офицер, подполковник Эргашев Хайдар Икромович, 4-сонли талабалар турар жойи тарбиячи педагоги Жавлонбек Қутлимуротовлар ҳамкорлигида “Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш бурчимиз” мавзусида давра суҳбати ўтказилди ҳамда талабаларга видеороликлар кўйиб берилди.



Минлишев Рафик Зильевич, Эргашев Хайдар Икромовичлар сўзга чиқиб мамлакатимиз қуролли кучлари 26 йил давомида ҳар жиҳатдан ривожланган мамлакатлар армияларидан қолишмайдиган профессионал армияга айланганини Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлар академиясида замонавий ҳарбий билимларни эгаллаган, Шарқий саркардаларнинг, аввало, соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарбий санъатини, жаҳон ҳарбий илми ва жанговар тайёргарлигининг илфору тажрибаларини ўзлаштирган олий қўмондонларни тайёрлаш йўлга қўйилганини таъкидлаб ўтди.



“Гидромелиорация” факультети 3-босқич талабаси Рўзматов Абдор талабаларимизни қуролли кучларимизнинг 26 йиллик байрами билан табриклаб ватан ҳақидаги шеърини ўқиш билан кайфиятини янада кўтарди.

Давра суҳбати сўнгида талабалар томонидан берилган саволларга батафсил маълумот берилди.

**4-сонли талабалар турар жойи тарбиячи педагоги Жавлонбек Қутлимуротов ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**